



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ва**

**PROFI UNIVERSITY**

**ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги**

**МЕМОРАНДУМ**

Тошкент шаҳри

2024 йил

Ушбу Меморандум **Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети** (кейинги ўринларда – **ЖХУ**) номидан университет бошлиғи **полковник Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович**, ва **Profi University** (кейинги ўринларда – **Profi**) номидан Университет ректори, ЎзР ФА академиги **Шоумаров Ғайрат Бахромович**, биргаликда “Томонлар” ўртасида тузилди ва қуйидагилар тўғрисида келишиб олинди:

### **1. Ҳамкорлик мақсади**

Ушбу Меморандуми мақсади халқаро таълим стандартлари асосида тайёрланган, юксак касбий билим ва маҳоратни эгаллаган, ижодкор, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга, стратегик фикрловчи ва салоҳиятли кадрларнинг янги авлодини шакллантириш.

### **2. Ҳамкорлик соҳалари**

Томонлар, кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва илгари сурадилар:

1. Умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш;
2. Томонлар ўзларининг кутубхона ресурсларидан ҳамкор томон талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун фойдаланишга рухсат бериш, адабиётлар билан алмашинув;
3. Томонлар ўқув режалари, фан дастурлари, ўқув адабиётлари, шу жумладан ўқув-методик комплексларини халқаро стандартлар асосида, замонавий, мутлақо янги талаблар асосида ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич жорий этилишини ташкил қилишни ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш;
4. Томонлар ўзларининг таълим соҳаларида профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш. Profi психология йўналиши, ЖХУ юриспруденция йўналиши;
5. Ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва уларни нашр қилиш, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;
6. Томонлар ўзаро келишган ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

### **3. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши**

Томонлар мазкур Меморандумнинг 2-қисмида назарда тутилган ҳамкорликларни амалга оширишда ҳар бир ҳамкорлик предмети тафсилотларини алоҳида аҳдлашувлар орқали амалга оширадилар.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин. **Ҳар қандай молиявий масалалар манфаатдор томонлар томонидан алоҳида келишиб олинади.**

#### **4. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси**

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси амалдаги қонунчилик ҳамда Томонлар иштирокчиси ҳисобланган халқаро битимларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Томонлардан бирининг товар номи, фирма белгиси ва/ёки расмий эмблемасидан иккинчи Томон тарафидан нашр, ҳужжат ва/ёки бошқа усулларда фойдаланиш, биринчи Томоннинг ёзма рухсатисиз таъқиқланади.

Маҳсулот, кашфиёт/ихтиро Томонларнинг биргаликдаги фаолияти ёки Томонларнинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида яратилган бўлса, ўзаро келишувга мувофиқ ҳар иккала Томонга тегишли ҳисобланади.

Томонлардан бирининг якка фаолияти ёхуд амалга оширган тадқиқотлари натижасида яратилган маҳсулот, кашфиёт/ихтиро фақат ўша Томонга тегишли ҳисобланади.

#### **5. Махфийлик**

Ушбу Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши вақтида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужжат, ахборот ва/ёки бошқа маълумотларнинг махфийлигига, тижорат сирини талабларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

Ҳар бир Томон ҳужжат, ахборот ёки бошқа маълумотларни бундай ҳужжат, ахборот ёки бошқа маълумотларни тақдим қилган Томоннинг ёзма рухсатисиз учинчи Томонга ошкор қилмайди ва тақдим этмайди.

Ушбу Меморандум ўз кучини йўқотишидан қатъий назар Томонлар мазкур модда қоидалари амалда бўлиши тўғрисида келишиб олдилар.

#### **6. Ўзгартириш ва қўшимчалар**

Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган баённомалар шаклида расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар кучга кирган санадан бошлаб юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

## 7. Низоларни ҳал қилиш

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар учинчи томонга ёхуд судларга мурожаат этмасдан, Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва/ёки ёзма шаклидаги музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

## 8. Ҳамкорликнинг кучга кириши, амал қилиши ва ўз кучини йўқотиши

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида истаган вақтда, бу ниятни амалга ошириш санасидан камида олти (6) ой илгари ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

Ушбу Меморандумнинг бекор қилиниши, унинг амал қилиши ўз ниҳоясига етиши санасидан аввалроқ келиб чиққан ёки унга асосланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

Мазкур Меморандум 2 (икки) асл нусхада, ҳар иккиси ҳам ўзбек тилида тузилди.

## 9. Томонларнинг имзолари



Ўзбекистон Республикаси жамоат  
хавфсизлиги университети

Бошлиғи  


Рустамбаев Мирзаюсуп  
Хакимович

Profi University

ректори

Шоумаров Ғайрат  
Баҳромович

2024 йил “ ” октябрь